



Innovative Academy
Research Support Center

6(06)

ZAMONAVIY DUNYODA
INNOVATION
TADQIQOTLAR:
NAZARIYA VA AMALIYOT

RESPUBLIKA
ILMIY-AMALIY
KONFERENSIYASI

OpenAIRE



zenodo



INTERNET
ARCHIVE

OPEN ACCESS

innacademy.uz



**«INNOVATIVE ACADEMY» ILMIY TADQIQOTLARNI
QO'LLAB-QUVVATLASH MARKAZI**

**«ZAMONAVIY DUNYODA INNOVATSION TADQIQOTLAR:
NAZARIYA VA AMALIYOT»NOMLI № 07-SONLI ILMIY, MASOFAVIY,
ONLAYN KONFERENSIYASI**

**ILMIY-ONLAYN KONFERENSIYA TO'PLAMI
СБОРНИК НАУЧНЫХ-ОНЛАЙН КОНФЕРЕНЦИЙ
SCIENTIFIC-ONLINE CONFERENCE COLLECTION**

<https://doi.org/10.5281/zenodo.5714668>

OpenAIRE



OPEN ACCESS

zenodo

INTERNET
ARCHIVE

innacademy.uz

**« ZAMONAVIY DUNYODA INNOVATSION TADQIQOTLAR: NAZARIYA VA
AMALIYOT » NOMLI № 07-SONLI ILMIY, MASOFAVIY, ONLAYN
KONFERENSIYASI**

O'ZBEKISTON RESPUBLIKASI PREZIDENTINING 2020 YIL 2-MART KUNGI «ILM, MA'RIFAT VA RAQAMLI IQTISODIYOTNI RIVOJLANTIRISH YILI»DA AMALGA OSHIRISHGA OID DAVLAT DASTURI TO'G'RISIDA»GI FARMONIDA KO'ZDA TUTILGAN VAZIFALARNI IJROSINI TA'MINLASH MAQSADIDA «INNOVATIVE ACADEMY RSC» MCHJ TOMONIDAN TA'SIS ETILGAN «EURASIAN JOURNAL OF ACADEMIC RESEARCH (EJAR)» ILMIY-USLUBIY JURNALINING (O'ZBEKISTON RESPUBLIKASI PREZIDENTI ADMINISTRATSİYASI HUZURIDAGI AXBOROT VA OMMAVIY KOMMUNIKASIYALARNI RIVOJLANTIRISH AGENTLIGINING 1415-SONLI GUVOHNOMA HAMDA ISSN 2181-2020, WWW.INNACADEMY.UZ VEB SAYTI) «ZAMONAVIY DUNYODA INNOVATSION TADQIQOTLAR: NAZARIYA VA AMALIYOT» NOMLI ILMIY, MASOFAVIY, ONLAYN KONFERENSIYASI E'LON QILINADI.

KONFERENSIYA TO'PLAMI ZENODO, OPEN AIRE, OPEN ACCESS VA INTERNET ARCHIVE BAZALARIDA INDEKSLANADI. KONFERENSIYA TO'PLAMIGA DOI RAQAMI BERILADI. KONFERENSIYA TO'PLAMIGA QUYIDAGI YO'NALISHLAR BO'YICHA MAQOLALAR QABUL QILADI:

1. ANIQ FANLAR
2. TABIIY FANLAR
3. TEXNIKA FANLARI
4. PEDAGOGIKA FANLARI
5. IJTIMOYIY-GUMANITAR FANLAR
6. TIBBIYOT FANLARI
7. IQTISOD FANLARI

ESLATMA! KONFERENSIYA MATERIALLARI TO'PLAMIGA KIRITILGAN MAQOLALARDAGI RAQAMLAR, MA'LUMOTLAR HAQQONIYLIGIGA VA KELTIRILGAN IQTIBOSLAR TO'G'RILIGIGA MUALLIFLAR SHAXSAN JAVOBGARDIRLAR.

MUNDARIJA:

| | |
|---|----|
| RAQAMLASHTIRISHNING IQTISODIYOT RIVOJIDAGI O'RNI5 | 5 |
| Orziqulov Farrux Ismatullaevich | 5 |
| КЛЕТОЧНЫЙ СТРЕСС9 | 9 |
| Кенжаева Нозима | 9 |
| ҚИШЛОҚ ХЎЖАЛИГИ МАҲСУЛОТЛАРИ ИШЛАБ ЧИҚАРИШНИ РИВОЖЛАНТИРИШ ВА БОШҚАРИШГА ТАЪСИР ЭТУВЧИ ОМИЛЛАРНИНГ ЭКОНОМЕТРИК ТАҲЛИЛИ (ҚАШҚАДАРЁ ВИЛОЯТИ МИСОЛИДА) 13 | 13 |
| Жўраев Фаррух Дўстмирзаевич..... | 13 |
| "KORRUPSIYA –JAMIYAT TARAQQIYOTIGA QO'YILGAN TO'SIQ" 21 | 21 |
| Jumaboyeva Nilufar Soyibjon qizi..... | 21 |
| Bo'riqulova Madinabonu Baxriddin qizi..... | 21 |
| ЎЗА ГИПОКОТИЛИ КЕСИМЛАРИНИНГ ЎСИШНИ ЎЛЧАШ АСОСИДА ЛУКСИНЛАР БЎЙИЧА ТЕСТНИ АМАЛГА ОШИРИШ 28 | 28 |
| Амонова Дилдора Баходировна..... | 28 |
| Тешаева Дилфуза Рахимовна | 28 |
| SHEKSPIRIY LEKSIKONI: INSON AQLI ABSTRAKTSIYASI KONTSEPTSIYASINING DIZAYNI SIFATIDA SO'ZNING SABABI. 31 | 31 |
| Shodiev Shahobiddin Sharofiddinovich..... | 31 |
| "HAMLET" TRAGEDIYASIDA INSON MASALASI MUAMMOSI 35 | 35 |
| Shodiev Shahobiddin Sharofiddinovich..... | 35 |
| ISLOM O'ZBEK JADIDLARINING IJTIMOYI VA SIYOSIY QARASHI VA ULARNING MILLIY MUSTAQILLIK G'OYASINI SHAKLLANISHIDAGI ROLI 39 | 39 |
| Shodiev Shahobiddin Sharofiddinovich..... | 39 |
| YUNON-BAQTRYA PODSHOLIGINING IJTIMOYI TUZIMI, XO'JALIGI VA MADANIYATI 44 | 44 |
| Toshqobilov Umid Sharofiddinovich | 44 |
| QOVUSHOQ SIQILUVCHAN SUYUQLIK OQIMINI VA AYLANISH TA'SIRINI HISOBGA OLGANDA SILINDRIK QATLAMNING O'QQA NISBATAN SIMMETRIK TEBRANISHLARI 47 | 47 |
| Gadayev A.B, Axatov.X, Abduxamidov S.K., Omonov Z.J..... | 47 |
| MIF – MIFOLOGIYANING O'RGANISH OB'EKTI SIFATIDA 55 | 55 |
| Pulatova Sarvinoz Botir qizi..... | 55 |

ЃЎЗА ГИПОКОТИЛИ КЕСИМЛАРИНИНГ ЎСИШИНИ ЎЛЧАШ АСОСИДА АУКСИНЛАР БЎЙИЧА ТЕСТНИ АМАЛГА ОШИРИШ

Амонова Дилдора Баходировна
БухДУ, Биология кафедраси ўқитувчиси
Тешаева Дилфуза Рахимовна
БухДУ, Биология кафедраси ўқитувчиси


Аннотация: ушбу маколада ғўза гипокотили кесимларининг ўсишини ўлчаш асосида ауксинлар бўйича тестни амалга ошириш хақида маълумот берилган.

Калит сўзлар: гипокотил, ауксин, фитогормон.

Ауксиннинг таъсир эффекти. ИСК қўп сондаги таъсир эффектини юзага келтиришига қарамасдан, бу фитогормоннинг нишон-ҳужайра билан таъсирлашишининг дастлабки босқичи – ҳар доим бир хилда бўлиб, рецептор билан боғланиш хосил қилиши билан бошланади. Фитогормон таъсирига нисбатан навбатдаги жавоб реакцияси эса – биринчидан, гормон таъсири вақтида экспрессияланувчи генлар йиғиндиси орқали ифодаланувчи ихтисослашган ҳужайралар функцияси ва иккинчидан, бошқа сигнал узатилишида иштирок этувчи молекулалардан ташкил топган иккита омилга боғлиқ ҳисобланади. Шунингдек, ўсимлик организмида айрим турдаги ҳужайралар ауксин таъсири натижасида чўзила бошлайди, бошқа типдаги ҳужайралар эса – дифференциаллашади ва ўтказувчи найчаларни хосил қилади, учинчи типдаги ҳужайралар ауксин таъсирида ён илдизларни хосил қилиши қайд қилинади [3]. Ўсимлик ҳужайраларида ауксин билан боғланиш хосил қилувчи соҳалар (сайтлар) плазматик мембранада, эндоплазматик ретикулум мембранасида, цитоплазмада ва шунингдек ядро мембранасида мавжудлиги аниқланган. Ауксин билан боғланиш хосил қилувчи сайтларни ўрганиш бўйича тажрибалар бундан деярли 30 йил олдин бошланганлигига қарамасдан, ҳозирги кунга қадар ўсимликда ҳужайра даражасида ауксиннинг таъсир механизмини ойдинлаштириш бўйича батафсил маълумотлар мавжуд эмас [4].

108-Ф навига мансуб бўлган ғўза (*Gossypium hirsutum* L.) чигитлари устки қисмидаги тукларини йўқотиш мақсадида, концентранган сульфат кислота эритмаси билан ишлов берилди, кейин эса сувда ювилди ва сув қувиридан (водопровод) олинган сувда 18 соат давомида ивтилди. Кейин чигитлар қоронғу шароитда, +26°C ҳароратда 3–4 кун давомида филтър қоғози устида ўстирилди. Ўсимталарнинг гипокотил қисми уруғпалла

бурмасидан 5 мм пастки соҳа бўйлаб, 20 мм узунликда кесиб олинди ва механотрон ёрдамида ўсиш тезлигини ўлчаш учун ишлаб чиқилган махсус қурилмага жойлаштирилди (1-расм) [2].



1-расм. Ғўза ўсимлиги гипокотили кесимларининг ўсиш тезлигини қайд қилиш учун ишлаб чиқилган қурилманинг схематик кўриниши. Бу ерда: пастда жойлашган идишга (2) фильтр қоғози бўлакчаси (3) устида нина ёрдамида санчилган ҳолатда маҳкамланган кесма (1) ўрнатилган бўлиб, унинг апикаль охириги учи юқорида жойлашган идиш (4) билан бириктирилган, шунингдек расмда механотрон (5), узайтириш шток мосламаси (6), макро- ва микро-винтлар ёрдамида механотронни кўтариш қурилмаси (7), қаршилиқлар асосида ишлаб чиқилган ўлчаш кўприги схемаси (8), механотрон лампасини қиздириш учун барқарор тавсифга эга қувват манбаи (9) ва механотроннинг анод занжири (10), кучайтирувчи ЭВ-74 русумидаги милливольтметр (11), КСП-4 русумидаги самописец қурилмаси (12) келтирилган.

Янги кесиб олинган гипокотил кесимининг ўсиш тезлиги 30 – 40 минут давомида тезкорликда камайиши қайд қилинди ва бу тезлик қиймати 5-10 мкм/соат қийматида ўлчанди. Ушбу гипокотил кесимлари тажрибаларни амалга ошириш олдидан дистилланган сувда 30-40 минут давомида сақланди.

Юқорида жойлашган идишга дистилланган сувга ИСК қўшилганидан кейин, фитогормон эритмаси фильтр қоғози бўлакчасидан гипокотил кесимининг апикаль қисмига томиши амалга ошади ва 10-15 минутдан кейин унинг ўсиш тезлиги қиймати ортиши кузатилади, 5 минут давомида

бу қиймат фойдаланилган ИСК концентрациясига мос ҳолатда барқарорлашади ва 1 соат давомида сақланади. Ауксиннинг ёки бошқа фойдаланилган ҳоҳлаган фитогормоннинг ортиб боровчи концентрацияси шароитида битта гипокотиль кесимида ўсиш жараёни тахминан 90 минут давомида қайд қилиш мумкин ва олинган маълумотлар концентарцияга боғлиқ ўсиш тезлиги графигини («доза-эффekt») учун етарли ҳисобланади.

Foydalanilgan Adabiyotlar

1. Аксенов С.И., Грунина Т.Ю., Горячев С.Н. О механизмах стимуляции и торможения при прорастании семян пшеницы в электромагнитном поле сверхнизкой частоты // Биофизика. – Москва, 2007.- Т.52. - № 2.- С.332-338
2. Туркин н.и., Прияткин С.Ф., Андреев А.П., Полевой В.В. Новый метод измерения роста осевых органов растений за короткие промежутки времени // Физиология растений. - Москва, 1980. - Т.27. - Вып.2. - С.437-440.
3. Медведев С.С. Физиология растений: учебник. — СПб.: БХВ-Петербург, 2012. — 512 с.:
4. Кулаева О.Н., Прокопцева О.С. Новейшие достижения в изучении механизма действия фитогормонов // Биохимия. – Москва, 2004.- Т.69.- Вып.3.- С.293-310.
5. Амонова Д.Б. 2021. Действие Емп На Ауксиновую Регуляцию. CAJMNS. Vol2. <http://cajmns.centralasianstudies.org/index.php/CAJMNS/article/view/149/129>